



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 8 август, № 156 (4819)

Шанба

МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

корхоналарнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда


Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий тармоқларини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада мустақиллик йилларида иқтисодий нозор корхоналар соғломлаштирилиб, кўплаб янги иш жойлари бунёд этилди. Бу ички бозорнинг ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тобора бойишига хизмат қилаётгани диққатга сазовордир.

Урганч шаҳридаги "Darital Shoes" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунинг ҳосилидир. Гап шундаки, мазкур корхона иқтисодий жиҳатдан оқсаб қолган "Darital" кўшама корхонаси негизда ташкил этилган. Мазкур корхона Италия ва Германия давлатларидан олиб келинган замонавий линиялар билан жиҳозланган, 50 киши ишга жалб этилиб, бу ерда 15 турдаги пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, унинг харидорлари кўпайиб бораётди. Сабаби, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган пойабзаллар хорржикидан асло қолишмайди: сифати юқори, нархи эса арзон.

Жамият жамоаси мижозлар талабидан келиб чиқиб, маҳсулот турларини кўпайтирляпти. Шу мақсадда жорий йилда 100 хил турдаги, 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш мўлжалланган.

СУРАТДА: жамият ишчилари Зокир Хўжайиёзов ва Алишер Қурбонов. Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.



Нега биз Ватанини қадрлаймиз, ардоқлаймиз? Нима учун Мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз байрам? Истиқлол бизга нима берди? Биз-чи, Истиқлолга нима бердик? Ана шундай беқибс янгиланишлар даврида онгу шууримизда қандай ўзгаришлар рўй берапти? Умуман, ҳаётимиз тўқинлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлидаги беқибс ислохотлар жарағиниға ўз ҳиссамизни қўша олаётимизми?



ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТЧИСИ

Бугун ҳар бир юртдошимиз бу саволларни ўзига бериб, юрак-юракдан жавоб изламоғи табиий. Бунинг учун эса кишидан теран мушоҳада, чуқур ақл-идрок талаб этилади. Масалан, ҳозирда дунёда келажакдаги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор сақланиб турибди. Ҳатто, эришилган натижалар ўтган йиллар билан таққосланганда, сезиларли даражада юксалишга эришганимиз ҳам кўзга ташланапти. Хўш, бунинг одамлар онига маълум рақамлар, статистик маълумотлар, иқтисодий далиллар натижаларини келтириш билангина еткази олаётимизми? Эки бугун бузғунчи гоғлар, мафкуравий курашлар, маънавий хуружлар авж олган даврда юртдошларимизга қандай қалқон бўла олаётимиз? Табиийки, ана шу ўта масъулиятли вазифаларни адо этишда бугун маънавият тарғиботчиларининг

хизмати ва ҳиссаси катта. Хусусан, Мустақиллик йилининг 18 йиллиги байрамига хозирлик ишлари қизгин паллага кирган айни кунларда ушбу соҳа фидойиларининг зиммасидаги вазифалар кўламини янада ортган. Жойларда аҳоли, ёшлар билан ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишларида ўн саккиз йиллик қисқа тарихий даврдаги мустақил тараққиёт йўлимиз, қўлга киритилган улкан ютуқлар, ислохотлар мазмун-моҳияти, самараси маънавият тарғиботчилари саъй-ҳаракатлари билан аҳолига етказилаётипти.

Кеча Республика Маънавият тарғибот марказида "Мустақиллик — биз учун энг улуг, энг азиз қадрият" мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинарда ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Бу йил туманимизда 11 минг 494 гектар майдонда **ғўза парвариш**ланапти. Очиғи, жорий йилги об-ҳаво шароитида чигитни бир текис ундириб, **қозирги ҳолатига келтириш** деҳқон ва фермерлар учун осон кечмади. Шунинг учун бугун **ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб ўтирганимиз йўқ**; экин парваришига бўлган эътибор ўн чандон оширилган. Негаки, август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой эканлиги тажрибадан маълум.

СУВ — ЗАР, СУВЧИ — ЗАРГАР

Шундай тигиз бир пайтда ҳамма фермерга кўмаклашаётгани, қўлдан келган ёрдамни бераётгани қувонарли ҳол, албатта. Қизиқиб кўрдим, хозирги кунда туманимиз далаларида чеканга қилиш ва бегона ўтлардан тозалаш ишлари 5 мингдан ортиқ киши жалб этилибди, 200 тадан кўпроқ культиватор қатор оралиғига ишлов бераётган бўлса, 400 нафарга яқин мироб кечая кундуз дала бошида.

Маълумки, суғориш — пахтачиликда энг муҳим агротехника тадбирларидан бири. У нечоғли оқилонга ўтказилса, ҳосил чўғи шунчалик юқори бўлади. Йўл қўйилган биргина хато **ғўза ривожига салбий таъсир** кўрсатиб, ҳосил салмоғига путур етказиши мумкин. Айтилик, экинга сув кечикса, **ғўза гул ташлайди**. Борди-ю, меъёридан ошиб кетса, экин говлайди. Хар икки ҳолда ҳам ҳосилдорлик гектар ҳисобига

7-8 центнергача камаяди. Шу сабаб, бу даврда сувни зарга, сувчини заргарга қиёслашади.

Ғўза қатор оралиғига фақат "шарбат" усулида сув тараяпти. Сувчилар сони эса уч барабарга оширилган. Уларнинг зиммасидаги вазифа **ғўзаларни қўлатмасдан**, аксинча, ҳар бир жўяк орқали сувни жиҳдирабди оқизишдан иборатдир. Шундай қилинганда, намлик узок вақт сақланади, сув кам бўлганда, **ғўзадаги ҳосил тўқилиши** камаяди.

Ана шу агротехника тадбирларини сифатли бажарганимиз учун ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олаётимиз. Утган йили фермер хўжалигимизда ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 40 центнерни ташкил этди. Қувонарлиси, ҳосилни тўласинча юқори навларга топиширди. Бу йил ҳам **ғўзаларимиз ривожидан** кўнглимиз тўқ.

Хуллас, **ғўза парваришида энг масъулиятли давр** — август ойида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилсақ, мўл ҳосил яратишдек мақсадимизга эришамиз, албатта.

Ўрин **АБДУАЛИМОВ**, Нарпай туманидаги «Тоғ» фермер хўжалиғи раҳбари, «Шухрат» медали соҳиб.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида курувчиларнинг касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда курувчи ва меъморлар, муҳандис ҳамда лойиҳачилар, қурилиш ташкилотлари, компаниялари, ободонлаштириш-таъмирлаш корхоналари, лойиҳалаштириш илмий тадқиқот институтлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз рағнақи йўлида олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва эътиборини мустаҳкамлаш, юртимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Истиқлол йилларида қурилиш ҳамда ободонлаштириш

ишлари янгича маъно ва мазмун касб этиб, юртимизнинг барча ҳудудларида кенг кулоч ёйди.

Мустақиллик байрами арафасида нишонланган Курувчилар кунини бунёдкорларимиз янги-янги ишоотлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, тураржой бинолари, лицей ва коллежлар, спорт масканлари, болалар бадий ижодиёт марказлари, маданият ва санъат қўшоналари, йўллар ва кўприкларни ҳамюртларимизга тўхфа этиш билан қарши олиши яхши анъанага айланган.

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида чекка ҳудудларда аҳолининг тураржой шароити-

Тадбир

ни янада яхшилиш, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятга молик муҳандислик инфратузилмаси объектларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда кўплаб замонавий мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, болалар спорт мажмуалари барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Буларнинг барчасида қўли гул курувчилар, моҳир меъмор ва муҳандисларнинг фидокорона меҳнати мўжассам.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ФАРФОНА. Фурқат тумани Бандликка кўмаклашиш марказида йил бошидан бўли мурожаат қилган 1533 нафар фуқаронинг 1306 нафари касби ва малакасига қараб ишга жойлаштирилди.

Эътибор ва имтиёз

Айтиш лозимки, аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастур асосида корхоналар реконструкция қилиниди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантиришда ҳамда касаначиликка кенг йўл очилди. Натижада йилнинг ўтган даврида жами 1579 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу иш ўринларига харбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар ҳамда жазони ўтаб келган фуқаролар имтиёз билан қабул қилинаётганини эътиборлидир.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сармоя самараси

АНДИЖОН. Вилоятда корхоналарни хоржий инвестициялар ҳисобига техника ва технология жиҳатдан янгиланган алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудий инвестиция дастури доирасида 3,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хоржий сармояси ўзлаштирилди. Натижада «Жоме асал» кўшама корхонасида қандолат маҳсулотлари, «Самфир — 2001» хусусий корхонасида эса асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва уларда юзга яқин янги иш ўринлари яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қамашининг пишиқ гишти

ҚАШҚАДАРЁ. Қамаш туманида пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Kambriks Maks» корхонаси иш бошлади.

Миллий банк томонидан киритилган инвестиция ҳисобига корхонага хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Бу эса иш унумдорлигининг ошишига олиб келди. Ҳозирда бу ерда кунига 60 минг дона пишиқ гишт тайёрланмоқда. Жорий йил охирига қадар корхонанинг 120 кишилик жамоаси 1,8 миллион сўмлик қурилиш хом ашёси ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб беришни мўлжалламоқда.

Ф. БОЗОРОВ.

Янги коллеж иш бошлади

Мазкур ўқув юрти «Наманган кишлоқ санъат қурилиш» МЎЖ томонидан бунёд этилди. Бу ерда жами 2 миллион 412,5 миллион сўмлик иш бажарилиб, компьютер ва лифтоф хоналари, кутубхона ҳамда спорт зал замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Айни чоғда ушбу касб-хунар даргоҳига талабалар ўқишга қабул қилинди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Йўл посбонлари танлови

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ИИБларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзаро беллашди. Танловда тест синавлари топширилди, иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлиги синавдан ўтказилди. Танлов якунида Жиззах вилояти жамоаси голиб, деб топилди. Навоий вилоят шаҳри жамоаларига эса иккинчи ҳамда учинчи ўринлар насиб этди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикаимизда Инвестиция дастурларини амалга ошириш доирасида капитал қўйилmalarнинг ҳажми

32,7 фоизга ўсди.

Ўтган даврда бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли ҳамда корхоналар маблағлари ўсиши таъминланганлиги туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевоқиф раҳбарлигида халқимиз маданий-маънавий меросининг моддий ва номоддий намуналарини тиклаш, муҳофаза қилиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.
Айниқса, буюк аждодларимиз, навқирон шаҳарларимиз, шу билан бирга, "Авесто"нинг 2700, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллик саналари нафақат мамлакат, балки халқроқ миқёсда кенг нишонлангани ана шу кутлуғ сазай-ҳаракатлар самарасидир. Хусусан, "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қучга кирганиги мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим аҳамият касб этаётди.

АРХЕОЛОГИК МЕРОС МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда 1200 га яқин музей муассасаларида маданий меросга оид кўпгина кўчар ашёлар сақланади. Энг эътиборлиси, ЮНЕСКО да оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналарининг рўйхати тузилган бўлиб, унда ташкилотга аъзо давлатларнинг 90 та дурдонаси жой олган. Улар орасида Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси, яъни Бойсун тумани маданий мероси ва Шашмақом мусика айналарининг мавжудлиги, айниқса, эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, Истиклол бизга маданий ва маънавий меросимизни қайта тиклаш, сақлаш ва ўрганиш имконини берди. Айниқса, дунё халқлари хавасига ҳайратини уйғотиб келаётган археологик меросимизни муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш борасида беимсол ишлар қилинмоқда. Қувонарлик шундаки, Ўзбекистонда ҳозирда рўйхатга олинган 7570 та маданий мерос кўчмас объектнинг 3945 таси (52,1 фоизи) археология мероси объектлариға тўри келади.

Айтиш жоизки, Самарқанднинг 2750, Қарши ва Шахрисабзнинг 2700, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500, Марғилоннинг 2000, Тошкентнинг жорий йилда байрам қилинадиган 2200 йиллик саналарини аниқлаш,

уларнинг халқимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихида тугган ўзига хос ўрни ҳамда улушини асослашда археология меросимизнинг ўрни беқиёс.

Дарҳақиқат, археологларимизнинг изланишлари натижасида Тошкент вилояти Обираҳмат горидида топиладиган миллоддан олдинги қирқинчи минг йилликларга тегишли гоминид-одам қолдиқлари, Қизилқумдаги Оқчадарё ўзанида палеолит даврига оид тошга ишлов бериш устоҳонаси, Тиллабулоқ воҳасида Ўзбекистон ҳудудида 5000 йил бурун мавжуд бўлган деҳқончилик маркази, Хоразмда 3000 йил олдин бунёд этилган сунъий сугорилиш тизимлари, Афросиёб, Холчаён, Далварзинтепа, Ерқурган, Шилқутепа, Оёқогитма, Кўктепа сингари ўнлаб археология объектлари, шунингдек, минглаб археология ашёлари ўзбек халқининг кўҳна ва юксак даражада ривожланган давлатчилиги ҳамда маданий ривожининг тасдиғидир.

Юртимизда мавжуд ноёб ва бой археология мероси ҳамон дунё олимларининг диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари Япония, АКШ, Испания, Италия, Франция, Германия, Польша, Россия каби давлатлардаги ҳамкасблари билан биргаликда қатор археология объек-

ларида изланишлар олиб бордилар ва бу борадаги ҳамкорлик ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу соҳада улкан ютуқ ва имкониятларга эгамиз. Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, режаларимиз ҳам кам эмас. Бирок археология меросимизни асраб-

Парламент ҳаёти

авайлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб ташвиқ қилиш масаласида айрим муаммолар ҳам бор. Бу парламент Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2005-2008 йиллар мобайнида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қонунчилигининг ижросига қаратилган назорат-таҳлил ишлари жараёнида яққол кўзга ташланди.

Масалан, археология объектларининг ҳисобини юритишга доир ягона ёндашув йўқ. Утган йиллардаги тадқиқотлар жараёнида топиладиган археология ашёлари мамлакатимиздаги турли фан, таълим ва маданият муассасаларида сақлаб келинаётгани қувонарли, албатта. Аммо фан, таълим ва маданият муассасаларида археология ашёларининг умумий сони ва уларнинг сақланиш шароитлари

бўйича умумлашма маълумотларнинг мавжуд эмаслиги афсусландирди. Археологик меросимизни муҳофаза қилиш, энг аввало, бу борадаги фаолиятнинг меъриий асосларини яратишдан бошланиб, топиладиган археология ашёларини фан, таълим ва маданият муассасалариға бириктиришга бўлган жараён билан ўта боғлиқдир.

улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Ушбу ҳуқуқий мажмуада археология мероси объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимининг қонуний асослари белгилаб берилган. Хусусан, унда археология мероси объектлариға бўлган мулк ҳуқуқи, уларни давлат кадастриға киритиш ва ундан чиқариш, археология ашёларини давлат ҳисобига олиш ва сақлаш, бу борада тегишли давлат каталогини юритиш ва унда рўйхатдан ўтказиш, археология ашёларининг тасарруфи ҳамда уни асраш чора-тадбирлари каби муҳим масалаларға оид қондалар ўрин олган.

Яна бир муҳим масала — археология тадқиқотиға доир жараёнининг асосий ва зарурий босқичлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда. Чунончи, археология кидирувлари, қазимчалари ва уларнинг назоратини амалга оширишнинг шартлари ҳамда жавобгарлиги белгилаб, археология объектида қазимчаларни ўзбошимчилик билан амалга ошириш тақиқланмоқда. Айрим турдаги археология тадқиқотини ўтказишға рухсат олиш, бундай фаолият натижаси юзасидан илмий ҳисобот тузиш ва тақдим этиш масалалари очиб берилмоқда. Айни пайтда археология кидирувлари, қазимчалари ва уларнинг назоратини амалга ошириш ваколатли археологнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қондалаштирилмоқда.

Мазкур Қонун, айтиш жоизки, миллий қонунчилигимизда маданий мерос объектларининг ўзвий қисми ҳисобланган археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди. Шу билан бирга, маданий мероснинг кўчар объектлари — археология ашёлари сони, уларни сақлаш, ўрганиш, тиклаш, музей ашёлари ва коллекцияларининг фуқаролик муомаласи борасида амалга оширилиши ўта зарур бўлган ҳаракатлар ва тадбирлар тизимининг қонуний асосини мустаҳкамлади. Муҳими, юртимизнинг бир неча минг йиллик тарихини ўзида муҳасамат этган археология меросимизнинг ҳар томонлама ўрганиш, асраш ва келажак авлодға етказишға замин яратди.

Насимжон АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

«Бунёдкор қўлларга таъзим»

Ўзбек миллий академик драма театри биносида «Бунёдкор қўлларга таъзим» деб номланган маданий-маърифий кеча ўтказилди. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Хотин қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва кулиш қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб, хўнрамадчилик, тадбиркорлик, меъморлик, муҳандислик ҳамда лойиҳа ва дизайн соҳаларида самарали фаолият юритаётган опа-сингиллар, шунингдек, маҳалла идораларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимда ишлаётган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар иштирок этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимиз хотин-қизларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, ташаббускор хотин-қизларнинг фермерлик, тадбиркорлик ва хўнрамадчилик соҳаларидаги фаол иштирокларини қўллаб-қувватлашға юксак аҳамият қаратилади. Жойларда бунёд этилаётган замонавий илм-маърифат масканлари, спорт ва соғлиқни сақлаш муассасаларида хотин-қизларимиз самарали фаолият юритмоқдалар. Айниқса, маҳаллалардаги маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар оилавий муносабатлар, кўн-қўшнилари тотувлиги ва аҳиллигини янада мустаҳкамлашға қаратилган эзгу сазай-ҳаракатларда фаол иштирок этаётганилари эътиборга моликдир.

Жорий йилда ҳам «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури вазиёларидан келиб чиққан ҳолда, жойларда қасаначилик асосида янги меҳнат ўринларини ташкил қилиш орқали ўй бекарларни фойдали юмушға жалб этиш, кишлоқ жойларидаги аёлларнинг қулай шарт-шароитлар асосида меҳнат

қилиши, ўқиши ва хўнра ўрганишини таъминлаш масалалариға алоҳида эътибор қаратилади. Бу каби хайрли юмушлар яна шуниси билан аҳамиятлики, тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларимиз ўзлари истиқомат қилаётган қишлоғу маҳаллаларда кичик корхона ҳамда ўқув марказлари очиб, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳаларини ривожлантиришға улуш қўшишапти.

Йилнинг иштирокида тадбир доирасида Мустақиллик майдонини зىёрат қилиб, пок орзуларимиз ва эзгу ниятларимиз тисмоли бўлиши бахтиёр она хайкали пойга гулчамбар қўйилди. Шунингдек, пойтахтимизнинг қулғу 2200 йиллик тانتаналари олдиндан бунёд этилаётган яратувчиларга ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий-меъморий ёдгорликларини зىёрат қилдилар. Айниқса, Ўзбекистон маданияти ва соънати кўргазмаси залда бўлиб ўтаётган «Қўли гулдир ўзбек аёли» номи доимий кўргазма-савдо фаолияти иштирокида катта қизиқиш юғотди.

Шунингдек, анжуманда фаол хотин-қизларға, хусусан, жамиятнинг турли жаҳадларида самарали меҳнат қилиб келаётган опа-сингилларға фахрий ёрлик ҳамда қимматлиқ эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир санъат усталарининг концерт дастури намойиши билан якуланди.

Мулборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Тарғиботимиз инсонлар қалбига этиб бориш ўли, аввало, сўзимиз самимий бўлиши керак, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Хожиматов. — Зотан, халқ зибилари, элга ўрнукнамуна бўладиган инсонларға

ган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

— Мен Маънавият тарғибот маркази тизимида танлов ғолиби бўлдим, — дейди Жиззах туманидаги ўқувчи-ёшлар ижодий маркази раҳбари, маънавият тарғиботчиси Заҳро Мўминова. — Фаолияти-

Интилиш

Юртимизда Президентимиз бошчилигида барча соҳаларда, жумладан, иқтисодий тармоқларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бераётди. Қорхоналарни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотларнинг қўлайлишиға замин яратмоқда. Буни Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш

Иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилдир

Мазкур корхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги боис ички бозорда аллақачон ўз харидорларини топиб улгурган. Айни пайтда бу ерда 180 турдаги махсус мебеллар ва спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Республикаимиз ўқув муассасалари 60 турдаги мебеллар учун ушбу корхонаға буюртма беришади. Мактабчага тарбия ва тиббиёт муассасалари йиғирма турдаги мебелларни шу ердан олишади. Бундан ташқари, 50 турдаги спорт жиҳозлари ҳамда 30 турдаги идора мебеллари ҳам «Стеклопластик» тамғасида миқозларға етказиб берилаётди. Мана шундай барқарор фаолият корхона жамоасини янги марралар сари дадил қадам ташлашға ундамоқда. Яъни эндиликда экспортта ҳам алоҳида эътибор қаратилапти.

«Стеклопластик»нинг асосий буюртмачилари республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, шунингдек, вилоятлардаги «Инжиниринг» компанияларидир. Энди улар сағина қўшни мамлакатлар ҳам қўшилади.

— Харидорини, биринчи навбатда, маҳсулотнинг сифати қизиқтиради, — дейди корхона директорининг ўринбосари Шавкат Камолов. — Шу боис тайёрлаётган мебель ва спорт жиҳозларимизнинг турини қўлайлигиға тегишли қўриқини яхшилашғагина эмас, балки пишиқ-пухта бўлишиға ҳам эътибор берилмоқда. Натижада уларға ҳоррида ҳам қизиқиш ортиб борапти. Масалан, сунгги йилларда Туркменистон, Қозғистон ва бошқа қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар қабул қилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда корхона ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёнинг 70 фоизини маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қўламқоқда. Бу эса таннархнинг ошиб кетмаслиги, сифатнинг юқорилигини таъминламоқда. Корхона маҳсулотларининг халқроқ сифат стандартлариға жавоб берадиган даражада эканини унинг ИСО 9001:2000 сифат стандартиға муносиб қўрилганидан ҳам билиш мумкин.

Жамиятда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва турларини қўлайлигини таъминлаш бўлиб берилади. Хусусан, ўтган йили бу ерда маийий хизмат мебеллари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда корхонанинг ишлаб чиқариш ҳаёти Туркия, Тайван ва Хитойдан келтирилган замонавий техник асбоб-ускуналар ҳамда дастгоҳлар билан жиҳозланганини таъкидлаш лозим. Натижада корхонанинг қуввати ошди, маҳсулот сифати янада яхшиланди, янги иш ўринлари яратилди. Агар 2004 йилда «Стеклопластик» да 5 миллиард сўмлик ўқув ва тиббиёт мебеллари, шунингдек, спорт жиҳозлари тайёрланган бўлса, 2008 йилда идора ва маийий хизмат мебеллари ҳам ишлаб чиқариш ҳисобига 10 миллиард сўмлик маҳсулот республика ва хориж бозорларида сотилди.

Қисқаси, корхона жамоаси харидорларға манзур бўладиган маҳсулотлар тайёрлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Абдурусул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ЮКСАЛАДИ

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган изчил иқтисодий ислохотлар туфайли қўлаб йирик санат корхоналари қурилиб, ишға туширилди ва бу жараён жадал давом эттирилмоқда. Бундай сазай-ҳаракатлар эса, ўз навбатида, республикамиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришға хизмат қилмоқда.



Қашқадарё вилоятининг Деҳқонбод туманида қурилаётган «Калий ўғитлари заводи» ҳам бунга мисол бўла олади.

Тепакўтон калий тузлар қонида олиб бориладиган бунёдкорлик ишлари ҳар қандай кишини хайратга солади. Бу ерда сазик ой мобайнида россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда энг замонавий технологиялар ёрдамида қон ишлари бажарилди. Натижада ҳозирги кунға келиб, шахталарнинг умумий узунлиги 1,5 километрга етди. Қонилар маҳсулдор қатламғача этиб бориб, зарур хом ашё қазиб ола бошладилар.

Келгусида қон тўлиқ ишға туширилган, бу ердан заводиға бир йилда қамда 700 минг тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берилади.

СУРАТДА: ишчилар Жамшид Девоноқулов ва Михаил Никитин.

Ҳасан ПАЙДОВ ошган сурат.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

Ўзбек халқининг миллий қадриятлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин ва самимий эътироф этилмоқда.

Ёқалашиб, муштлашаётганлар ёнидан ногаҳон кўп тилларни билдирган бир доно киши ўтиб қолди. Жанжал сабабини суриштириб, уларни тинчитибди. «Эй, нодонлар, — дебди у, — барангиз бир нарсани, яъни узумни орау қилаяпсизлар, лекин уни турли тилларда айтмоқдасиз. Яъинси, бозорға бориб, узум олинганда, биргаилкида тановул қилинган».

Тўртловон ярашиб, ўй йўлириға кетибди. Қиссадан ҳисса шуки, инсонлар бир-бирларини англамас, тушунишға интилмасалар, узаро низо чиқиши ҳеч гап эмас. Баъзида уларға тўғри йўлни кўрсатадиган раҳнамо керак.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида мустақилликнинг илк йиллариданқоқ ишлаб чиқилган оқилона сибаст туфайли бугун 130 дан ортқ миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида ахил-иноқ яшаб, юрт равнақиға ўз улушларини қўшмоқдалар.

Ўзбек халқи шўролар даврида қўлаб халқлар вакилларига бошлана берди. Улар билан энг оғир дларда ҳам бир давоқда нонини баҳам қурди. Корейслар, немислар, полклар, греклар, қрим-татарлар бир ерда

ўзларининг иккинчи ватанларини топдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она-Ватандир. Чунки улар шу ерда туғилган. Шу ерда ўқиб, обрў-эътибор топган, халқимиз меҳр чашмасидан баҳраманд бўлган.

Қрим-татар халқининг атоқли фарзанди, Украина ҳақрамони, Қрим давлат индустриал педагогика институт ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубов шундай ёзди: «Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳақида гапирганда, одатда Юнонистон ва Италиянинг фанға, Буюк Британия ва Франциянинг маданиятға, Германия ва Американиннг техникаға, Япония ва Швейцариянинг технология тараққиётига қўшган ҳиссаси кўп тилға олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, осойишталик, яқинларға меҳру муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторға Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларға баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳоға Ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлади».

Юртошимиз ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) мамлакатимизда миллатларо тотувлигини таъминлаш, жамиятда баргиреклик таъминлашнинг қарор топтиришға муносиб улуш қўшмоқда. РБММ ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган 150 га яқин миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларға ташкилий ва ме-

менти ва ҳокимият органларида ҳам турли миллат вакиллари фаолият юритмоқда. Масалан, Ўзбекистон Қархамони Вера Пак Хоразм вилояти корейс миллий-маданий маркази бошқаруви аъзосидир. Республика рус маданий маркази раиси С. И. Ферасимова эса Олий Мажлис Сенати

аъзоси, Халқ ўқитувчисидир.

Шу йил апрель ойида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг камсонли миллатлар бўйича Олий Комиссари Кнут Воллебек Байналмилал маданият марказимиз фаолияти билан танишди. Турли миллат вакиллариға ўқиш, ўз маданиятларини ривожлантириш борасида яратилган шароитларни кўриб, бу тақрибани бошқа давлатларға ҳам ёйиш керак, деган фикрини билдирди. Албатта, бу бежиз эмас. Жаҳонда миллий-этнок муносабатлар мураккаблашиб, энг илгор давлатларда ҳам камсонли миллат вакиллари камситиш ва сиқиб чиқариш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек, ахил ва иноқ ишаётган Ўзбеки-

тон чиндан ҳам бошқаларға намуна бўла олади.

Вашингтондаги Ж. Хопкинс номи университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг етакчи эксперти Офтоб Қозий шундай дейди: «Мен катта ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон жаҳонда энг баргирек мамлакатдир. Маданий турли-туманлик ва плюрализм шароитида миллий маданиятлар ҳамда диний ҳилма-хилликларо ўзаро ўй-ғунлик ва мувозанатни сақлаш осон эмас. Бирок Ўзбекистонда бу мураккаб вазифа ало даражада адо этилмоқда. Бунда шахсан мамлакат Президенти Ислам Каримовнинг хизмати катта. Мамлакат раҳбарининг теваран уйланган ҳолда амалға ошираётган сибаст маданиятларо, турли динларо уйғун ва бир-бириға мутаносиб мулоқотни равнақ топтиришнинг қафолати бўлмоқда».

Мисрдаги етакчи наشرлардан «Ал-Ахбор» газетаси «Ўзбекистон: миллий тотувлик тақрибиси» мақоласида «Ўзбекистондаги миллатларо тотувлиги таъминлаш модели энг юксак баҳога лойиқ. У араб дуниси учун яхши намуна бўлиши мумкин», деб ёзса, «Диний баргиреклик ва миллатларо ҳамжиҳатлик бобида Ўзбекистон Франция учун ҳам намуна бўлиши мумкин», деб таъкидлади Вераль Шафр мэри, Франция парламенти қўйи палатаси — Миллий ассамблея депутати Этьен Пинте.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
Республика байналмилал маданият маркази директори.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Бедарак йўқолди

Чад давлатида "Чегара билмас шифокорлар" халқро инсонпарварлик ташкилотининг икки вакили бедарак йўқолган.

"BBC" хабарига қараганда, шифокорлар мамлакатнинг Судан билан чегара ҳудудида жойлашган Дарфур шаҳар-часидаги офисда содир этилган ўғирликдан сўнг номиносиз кетишган.

Ташкилот вакилининг маълум қилишича, йўқолиб қолган ходимлардан бири Чад давлати фуқароси ҳисобланади. Иккинчи хизматчи эса хориқлик. Лекин у айнан қайси давлат фуқароси эканлиги аниқ айтилмаган.

Кўмир конида фожиа

Колумбия шимолида жойлашган кўмир конларидан бирида бахтсиз ҳодиса содир бўлди.

Бу ерда метан газини чиқиши натижасида портлаш юз берган. Фожиа саккиз ишчининг умрига зомин бўлган, яна беш нафар одам тан жароҳати олган.



Фалокатга қончиларнинг эйтиборчилиги сабаб бўлгани айтилмоқда. Гап шундаки, улар иш олиб бориш жараёнида тегишли хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганлар.

Ташкилотчи номаълум


Ироқнинг Киркук шаҳридаги бозорда портлаш содир этилди.

Натижада беш киши ҳалок бўлган. 20 дан ортиқ одам тан жароҳати олган. Маҳаллий полиция вакиллари билдиришича, портловчи қурилма бозор ҳудудида турган автомобилга ўрнатиб кетилган экан.

Ҳозирча мазкур қўрувчилик ким томонидан амалга оширилгани маълум эмас. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Касалликни аниқловчи тезкор тизим

Венгриянинг "Diagon LTD" фармацевтика компанияси А/Н1Н1 гриппини тезда аниқлаб берадиган янги тест-тизимни яратди.



Компаниямиз томонидан иштирок қилинган мазкур тизим қатор афзалликларга эга, — дейди муассаса раҳбарларидан бири Йозеф Керн. — Хусусан, бу усул орқали хасталикни

икки соат ичида аниқлаш мумкин. Ҳозир қўлланилаётган тизимда эса бунга уч кун талаб этилади.

Бундан ташқари, компания вакиллари янги тест-тизими анча арзонлигига ҳам ургу бериб ўтишган. А/Н1Н1 гриппининг тарқалиш суръати юқорилиги ҳисобга олинса, уни оммавий равишда ишлаб чиқариш йўлига қўйилиши эҳтимолдан ҳайли эмаслиги ҳам айтилмоқда.

Мактаблар ёпилди

Вьетнам ҳукумати А/Н1Н1 гриппи хавфи кучайганлиги сабабли пойтахт Ханой шаҳридаги барча мактабларни ёпишга қарор қилди.

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, айни пайтда ушбу гриппни юқтирганлар сони минг нафарга яқинлашган.

Айтиб ўтамиз, Вьетнамда янги ўқув йили 17 августдан бошланиши керак.

Минага дуч келди

Афғонистонда АҚШ ҳарбийларини олиб кетаётган зирҳли машина минага дуч келди.

Натижада кучли портлаш юз берган. Воқеа жойида 21 киши ҳалок бўлган, оғир тан жароҳати олган яна беш киши касалхонага жойлаштирилган.

Хунрезлик "Толибон" жангарилар гуруҳи томонидан амалга оширилгани айтилмоқда. Ачинарлиси, сўнгги пайтларда бундай

воқеалардан кўпроқ маҳаллий аҳоли вакиллари азият чекоқда. Биргина жорий йилнинг шу давригача содир этилган турли қўрувчилик ҳаракатлари мингдан ортиқ тинч аҳоли вакилининг умрига зомин бўлган. Коалиция кучларидан эса 75 нафар аскар нобуд бўлган.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида

Тайван метеорология хизмати аҳолини мамлакатдан 250 километр жануби-шарқда ҳаракатланаётган кучли тўфон хавфидан оголантирди, дейилади "ИТАР-ТАСС" ахборотида.

"Моракот" дея номланган ушбу табиий офатнинг тезлиги соатига 180 километри ташкил этмоқда. Ҳукумат эҳтиёт чораларини кўриш мақсадида кемаларни портларга қайтаришга, маъмурий, молиявий ҳамда таълим муассасаларини вақтинча ёпишга қарор қилган.

Етакчи йўқ қилинди

АҚШ ва Покистон махсус хизмати томонидан амалга оширилган тазолаш ишлари чоғида жангарилар етакчиси Байтулла Мехсуд ўлдирилган.

Таҳмин қилинишича, Мехсуднинг уйи жойлашган ҳудудга ракета зарбалари берилган пайтда жиноятчи, унинг хотини ва тан соқчилари ҳалок бўлган.



Бир неча йилдирки, Байтулла Мехсуд қатор хавфли жиноятларни содир этганига айбланиб келинмоқда. Жумладан, Беназир Бхуттога уюштирилган суиқасдда ҳам унинг қўли борлиги маълум қилинган. Бундан ташқари, у ёш болаларни ўғирлаб, уларни террор-

чи қилиб тарбиялаш билан шуғуллангани ҳам аниқланган. Эслатиб ўтамиз, АҚШ ҳукумати бу жангари ҳақида аниқ маълумот берган кишини 5 миллион АҚШ долларини билан муқофотлаши хусусида ваъда қилган.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Бу ютуқлар, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қўлга киритилаётгани қувонарлидир.



МИЖОЗ ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, банкларнинг аҳоли билан муносабатларини мустақамлашда муҳим омил бўлди. Халқ банкининг чорвачиликни ривожлантириш учун 4 минг 609 нафар фуқарога 4,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит, 3 минг 828 фуқарога эса 3,8 миллиард сўмликдан ортиқ микрокредит ажратгани бунга яққол тасдиқлаб турибди.



Муҳими, жорий йилнинг ўтган даврида республикаимизда ушбу молиявий муассаса томонидан ажратилган маблағ ва кўрсатилган хизматлар эвазига 47,7 мингта янги иш ўрни яратилди.

Кечагина банк билан ҳамкорлик ўрнатган ва унинг маблағи эвазига фаолиятини ривожлантириб олган тадбиркорлар бугун нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки уни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланаётгани эътиборга моликдир.

Маълумки, бугунги кунда мам-

лакатимизда ёшларга жуда катта эътибор қаратилапти. Уларнинг ўқиб-ўрганишлари, касб-корли, барча жабҳаларда фаол, умуман, жамиятда ўз ўрнига эга

мида уларга 59,2 миллиард сўм маблағ қабул қилинди. Кейинги бир йил ичида эса банк депозитларига аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш ҳажми 165 фоизга ортиди. Бу банк ва миждоз ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора мустақамлашиб бораётганидан далолатдир.

Ҳозирги кунда Халқ банкида аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, унинг 371 та муассасаси, 13 та махсус сайёр банки ва 200 га яқин кўчма кассаси орқали ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада жорий йилнинг олти ойи ичида аҳолидан 70 миллиард сўмдан ортиқ коммунал тўловлар қабул қилиб олинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоизга кўпдир.

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090-сонли қарори билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, аҳолидан қабул қилинадиган тўловлар ва таълимий муассасаларнинг пул

ўтказмалари «Ўз-тўлов» миллий тўловлар тизими орқали амалга оширилади. Ҳозирда Халқ банкининг 1 минг 500 дан зиёд муассасасида мазкур тизим жорий этилган бўлиб, у миждозларга коммунал ва бошқа тўловларни тезкорлик билан тўлашда қўл келаяпти.

Бундан ташқари, банк барча филиаллари орқали ижтимоий нафақа пулларини ўз эгаларига белгиланган вақтда етказишга ҳам жиддий эътибор қаратапти. Банкнинг масъул ходимлари жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорликда кекса, ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг уйларига бориб, нафақа пулларини беришдек хайрли ишни бажаришмоқда. Чекка-чекка қишлоқларда эса 2 ва 18 ёшгача бўлган болаларга берилмаган нафақалар сайёр банклар орқали тарқатилмоқда.

Хабарингиз бор, бугунги кунда пластик қарточка ҳисобкитоб қилишда замонавий тўлов воситаси сифатида ҳаётимизга чуқурроқ кириб бормоқда. Унга нисбатан талаб эса тобора ортаётди. Шунинг эътиборига олиб, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони 220 мингтага етказилди. 100 мингтага яқин фуқаро эса ундан иш ҳақи лойиҳаси бўйича ҳам фойдаланмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, "Мижоз банк учун эмас, банк миждоз учун" шиори остида фаолият юритаётган Халқ банки 47 мингдан ортиқ миждозларга сифатли ва намунали банк хизматини кўрсатиб келаётди. Бу борадаги ишлар, айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йиллида ўз самарасини кўрсатмоқда. 2009 йилнинг ўтган даврида ажратилган маблағларнинг тенг ярми ушбу йўналишларга сарфлангани бунинг ёрқин ифодасидир. Йил охиригача эса мазкур ишлар кўламини ҳамда икки бараварга кенгайтириш режалаштирилган. Бу билан банк миждозлар ишончини янада мустақамлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва шавқини юксалтиришдек бир қатор мақсадли тадбирларни амалга ошириб, ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлиниб бормоқда. Пировардида жамоанинг самарали фаолияти аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётди.

«Халқ банки» матбуот хизмати.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг ҳудудий филиаллари

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. РКМБ марказий идорасининг аукцион савдосига тақрирлан куйидаги мол-мулк қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижроичилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалиқ судининг 2006 йил 18 декабрдаги 10-0610/13548-сонли, 2007 йил 25 июлдаги 10-0718/6855-сонли, 2007 йил 10 ноябрдаги 10-0705/11834-сонли, 2007 йил 10 ноябрдаги 10-0705/11835-сонли, 2008 йил 12 февралдаги 10-0718/15363-сонли, 2008 йил 26 августдаги 10-0804/8759-сонли, 2008 йил 25 ноябрдаги 10-0804/13223-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Хуштепа кўчаси, 6-уйда жойлашган, Республика қишлоқ хўжалиги ва эҳтиёт қисмлари базасига тегишли, умумий майдони 5588 кв.м. бўлган 7 та ишоот, 5 та шийрон, битта ҳовуз ва битта тиндирғич (отстойник)дан иборат бино-ишоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 158 776 200 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 27 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мулклар билан суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

II. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига Суд департаментининг Учқудук тумани суд ижроичилари бўлими томонидан Зарафшон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2008 йил 10 декабрдаги 01-1427-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қаримова Зулайхога тегишли, умумий майдони 328,78 кв.м. бўлган, Учқудук шаҳри, Наврўз-7 кўчасида жойлашган тиккув цехи биноси.

Бошланғич баҳоси — 98 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 9 сентябрдаги кунини соат 12.00 да бўлиб ўтади.

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА! Юқоридаги мулк 2009 йил 9 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан тақрирлий аукцион савдоси 2009 йил 24 сентябрда кунини бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-436) 224-15-61 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин. Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Навоий филиалининг «АТ «Ипотекабанк»» Навоий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452458, МФО: 00205, СТИР: 200933850.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (8-436) 224-15-61, 224-64-31.

Имконият

Ишга йўлланмалар берилди

Жиззах шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан Транспорт ва алоқа касб-хўна қоллежида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди.

Ушбу меҳнат бозорида вилоятдаги 129 та корхона ва ташкилот 196 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Натижада 119 нафар киши ишли бўлди, 109 нафар тадбир иштирокчиси га йўлланмалар берилди. Эътиборлиси, ишли бўлганларнинг 69 нафари хотин-қизлардир.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«РЕСПУБЛИКА Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика давлат акциядорлик концерни томонидан «Узфармасаноат» ДАК кенгашининг 2008 йил 15 октябрдаги мажлиси қарорига асосан, «Узфармасаноат» ДАКнинг Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган, «Гулистонфарм» МЧЖдаги 26,7 фоиз улуши қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 146 696 000 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 10 сентябрдаги кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққати! Юқоридаги улуш 2009 йил 10 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур улушни сотиш юзасидан тақрирлий аукцион савдосига 2009 йил 24 сентябр ва 2 октябр кўнлари бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин. Аукцион савдосларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдосларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закатал келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

Лицензия: ДВ 001 № 000004.

Абдулла Қаҳор номидаги Республика Сатира театри жамоаси театрининг устоз санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзйўлбулаш» Республика таъминот бошқармаси жамоаси автожамланма бошлиғи Бахтиёр Азизович ЯХЪЯЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор Жўра Мираҳмедова опаси МАСТУРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси доцент Жамшида Жабборова ва катта ўқитувчи Сабоҳат Абдухалиповога волидан муҳтарамаси МАЛИКА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Истиклол — улуг нёмаат. Озодлик туғайли биз ўзлигимизни англадиқ, буқк ўтмишимиз билан боғлиқ ҳақиқатларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганишга муваффақ бўлдиқ. Ваҳоланки, кечаги кунини, ўз миллати тарихини билмаган, англамаган халқ эртанги кун ҳақида қайғуриши ҳам мумкин эмас эди.

ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЭЛ

Барчамизга аёнки, яқин ўтмишда бизнинг тарихимизни соқталаштиришчи бўлган тузум бу билан келажакимизга болта уришни ният қилган эди. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асариди бу борада мана бундай лўнда фикр баён этилади: "...Инсониятнинг кўп минг йиллик таъриби си шундан далолат берадики, дунёдаги эҳсон ва таъовузор кўчлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қўрқинлантиришга, яъни энг буқк бойлиги бўлиши миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан қўққизилганда...

ўша пайтлар давлат ва жамяят ҳаётида тутган мавқеини олайдиқ. Бирор киши йиғилиш-мажлисларда она тилида гапирмоқчи бўлса, очикдан-очик миллатчиға чиқариларди. Негаки, бундай хатти-ҳаракатлар замирида бутун бошиқ бир миллатни манқуртга айлантириш, уни ўзлигидан, миллий бойликларидан жудо қилиш мақсади ётар эди. Ҳаққонийлик, ўзлигини англамаган, миллий қадриятларини унутган инсон ҳеч қачон ҳурликка эриши олмайди. Зотан, аждодлари тарихини, урф-одатлари, аъналарини эъзозлаб, миллий қадриятларига таъниб яшаган миллатнинггина келажаги ёруғ эканлиги аниқ. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида Истиклолга эришган илк кунларимиздан, миллий-маънавий меросимизни қайта тиклашга эътибор бериб келинмоқда. Бундан ўн беш йил муқаддам Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги марказини тасис этиш тўғрисида Юртбошимизнинг Фармони қабул қилинган...

бошқача қўринишлари ҳам бисёр эди. Саксонинчи йилларда Термиз шаҳри яқинидаги Ҳаким ат-Термизий макбараси "Чегара ҳудудида жойлашган" деган баҳона билан ёпиб қўйилганди. Машҳур муҳаддис, имом Абу Исо ат-Термизий макбараси эса қаровсизликдан харобага...

лиги бу фикрнинг ёркин далилидир. Ушбу Марказ фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада тақомиллаштириш борасида янгидан-янги қадамлар қўйилди. Энг муҳими, юртимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳукм сур...

бир Сайқалии каби ўнлаб мумотоз ижодкорлар бадий меросини ўрғанишга киришилганлигини айтиш жоиз. Ҳозирда вилоятда тожик, туркман, қорейс, рус миллий маданият марказлари ишлаб турибди. Ўзбек тилидан ташқари рус, тожик тилларида ҳам газеталар чоп этилмоқда, телекўрсатувлар ва радио-эшиттиришлар ташкил этилаётти. Шубҳасизки, буларнинг бари мустақиллик ва демократик тараққиёт шарофатидир.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги



«ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМ»

Тошкент дунё аҳли томонидан Шарқнинг энг қадимий, бетакрор ва гўзал шаҳарларидан бири, деб эътироф этилади. Дарҳақиқат, 2200 йиллик тарихга эга булган бу кўҳна ва навқирон шаҳар ўз кўрқу таровати, табиати, иқлими, аҳолисининг самийини ва бағрикенглиги билан бу ерга таширф буюрувчи сайёҳу меҳмонларни ҳаминша мафтун этиб келган.

Айниқса, истиклол йилларида шаҳар мамлакат пойтахти сифатида янгича қиёфа касб этди, гуллаб-яшнади. Шу боис кейинги йилларда ҳудудда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари нафақат пойтахт аҳли, қолаверса, барча юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирди юбормоқда. Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусикали драма театрида бўлиб ўтган "Гулла, яшна, гўзал пойтахтим" номли тадбирда ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Пойтахтимизнинг кулгў тўйи олдиндан ўтказилган маъмур тадбирда тарихчи олимлар, шoir ва ёзувчилар, санъаткорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг замонавий ва кўркам қиёфага кириши ҳориқлик сайёҳларни Ўзбекистон сари чорламоқда. Муҳими, айтиш керакки, диний бағрикенгликни, виждон эркинлиги ва демократияни суиистеъмоқ қилиб, нотўғри тушуниб, миссионерлик ҳаракатини йўлга қўйишга уринаётган, тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солишга интилаётган турли маъзаб-йўналишлар, секталарнинг тарафдорлари, тарғибот-ташвиқотчилари ҳам йўқ эмас. Улар дин ниқоби остида ғаламис ниятларини амалга оширишга уринмоқдалар. Бу хатти-ҳаракатларнинг туб замирида сиёсий бузғунчилик гоғлари ётганлиги боис улар жамяят тараққиёти учун хатарли эканлигини ёддан чиқармаслигимиз, бундай уришилларга қарши курашиш, ҳаминша ҳушёр бўлиш лозимлигини ҳеч қачон назардан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Айниқса, истиклол йилларида шаҳар мамлакат пойтахти сифатида янгича қиёфа касб этди, гуллаб-яшнади. Шу боис кейинги йилларда ҳудудда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари нафақат пойтахт аҳли, қолаверса, барча юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирди юбормоқда. Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусикали драма театрида бўлиб ўтган "Гулла, яшна, гўзал пойтахтим" номли тадбирда ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Пойтахтимизнинг кулгў тўйи олдиндан ўтказилган маъмур тадбирда тарихчи олимлар, шoir ва ёзувчилар, санъаткорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг замонавий ва кўркам қиёфага кириши ҳориқлик сайёҳларни Ўзбекистон сари чорламоқда. Муҳими, айтиш керакки, диний бағрикенгликни, виждон эркинлиги ва демократияни суиистеъмоқ қилиб, нотўғри тушуниб, миссионерлик ҳаракатини йўлга қўйишга уринаётган, тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солишга интилаётган турли маъзаб-йўналишлар, секталарнинг тарафдорлари, тарғибот-ташвиқотчилари ҳам йўқ эмас. Улар дин ниқоби остида ғаламис ниятларини амалга оширишга уринмоқдалар. Бу хатти-ҳаракатларнинг туб замирида сиёсий бузғунчилик гоғлари ётганлиги боис улар жамяят тараққиёти учун хатарли эканлигини ёддан чиқармаслигимиз, бундай уришилларга қарши курашиш, ҳаминша ҳушёр бўлиш лозимлигини ҳеч қачон назардан четда қолдирмаслигимиз даркор.

БЎЛАЖАК СЕРЖАНТЛАР

Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби Ватанимиз мудоффа тизимини юксак маҳоратли профессионал ҳарбий хизматчилар билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бу ерда бўлажак сержантларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарликни юқори даражада эгаллашлари учун барча шароит яратилган. Шу боис унда ўқишни истовчилар сафи тобора кенгайиб бораётти. Янги ўқув йили учун 500 дан ортиқ ёшлар ҳужжат топширилган эди. Улардан 260 таси барча синвонлардан муваффақиятли ўтиб, курсантликка қабул қилинди.

— Сержантлар тайёрлаш дастури тўққиз ойга мўлжалланган, — дейди мактаб бошлигининг ўринбосари Олимжон Йўлдошев. — Барча машғулотлар кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилади. Бунинг учун ҳарбий-техника воситалари, компьютерлар етарли. Курсантларнинг жисмоний чиниқлишлари учун спорт зали, дала машқари майдончаси бор. Намунали жиҳозланган ётоқхона улар хизматда.

Мактабни тибитири чиқаётган кичик командирлар ҳарбий қисмларда намунали хизмат қилишмоқда. Курсантликка қабул қилинган ёшлар ҳам тўққиз ойдан сўнг уларнинг сафига қўшилиди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Спорт • Sport • Спорт

Медаллар яна тўққизтага кўпайди



Таиланд пойтахти Бангкокда яккакураш спорт турлари бўйича ўтказилган I Осиё ўйинларининг олтинчи кунинда ҳам ўзбекистонлик спортчилар ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этишди.

Юртдошларимиз шу кунги 2 та олтин, битта кумуш ва 6 та бронза медалини кўлга киритдилар. Миллий спортимиз — кураш бўйича мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Шерали Жўраев (90 кг.) финалда қозогистонлик Руслан Абдуразақовни мағлубиятга учратиб, олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, муайтай бўйича турли халқаро турнирлар совриндори М. А. Халлонбек Каҳҳоров (67 кг.) ҳал қилувчи баҳсда лослик Сатид Кеонитани энгиб, Осиё ўйинлари қолибга айланди. Бангкокдаги мухташам спорт саройида музаффар спортчиларимиз шарафига байроғимиз билан кўтарилди, мадҳиями янгради.

молиддин Салимжонов (55 кг.), муайтай беллашувида Шерзод Шарипов (57 кг.), Фирдавсий Холмуродов (60 кг.), кураш бўйича Гулмира Исматова (70 кг.) бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Мутахассислар қаратэ-до бўйича терма жамоамиз аъзоси, XV Осиё ўйинлари олтин медали совриндори София Каспўлатова (61 кг.)нинг имкониятини юқори баҳолашганди. У кумитэ йўналишида чорак финалда қозогистонлик Гавҳар Шайқўзиевани 9:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Аммо ярим финалда малайзиялик Жамила Жамалуддинга ютқазиб қўйиб, бронза медали билан қийоғланишга мажбур бўлди.

Ҳозирча Ўзбекистонлик спортчилар 3 та олтин, 5 та кумуш ва 10 та бронза медали билан қирқдан ортиқ мамлакат вакиллари орасида тўққизинчи ўринда боришмоқда.

Кикбоксингнинг фул-контак йўналишида қатнашаётган вакилимиз Алишер Абдуллаев (75 кг.) финалда иорданиялик Жад Саламега имкониятни бой бериб, кумуш медали соҳиби бўлди. Пенчак-силат баҳсларида Бахтиёр Норов (65 кг.), Жа-

АЛЕКСАНДРА БОШ СОВРИННИНГ КЎЗЛАМОҚДА

Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган, Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) мусобақалари тақвимиға киритилган нуфузли халқаро турнирда умидли спортчилик Александра Колесниченко муваффақиятли иштирок этмоқда.

Яққалиқлар баҳсида еттинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз чорак финал учрашувида словакиялик Далила Якуловичга қарши қортта чикди. Ушбу давранинг энг кескин ва муросасиз баҳсида ўзбекистонлик теннисчи 6:2, 4:6, 6:3 ҳисобида зафар кўчди. А. Колесниченко финал йўланмаси учун бўладиган муҳим беллашувда мезбондан вакиласи Санаа Бхамбри билан баҳслашди.

Буюк Британиядан келган Эмили Вебли-Смит билан ҳамкорликда йўнаётган А. Колесниченко жуфтликлар баҳсида ҳам бош совринга даъвогарлик қилмоқда. Мусобақада иккинчи рақамда сараланган маъмур дует ярим финалда ҳиндистонлик Иша Лақхана ва япониялик Анастасия Малютраға биринчи сетда 3:6 ҳисобида имкониятни бой берганиға қарамай, қолганларида 6:2, 10:5 ҳисобида устун келди. Энди А. Колесниченко ва Эмили Вебли-Смит ҳал қилувчи баҳсда Ашмитха Исварамурти (Ҳиндистон) ва Далила Якулович (Словакия) билан беллашадиган бўлди.

Зоҳир ТОШҲЎЖАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Спорт • Sport • Спорт

Шифокор маслаҳати



Этибор қилганмисиз, қулоқни қоматта келтирувчи куйў қўшиқларни эшитиб, "ҳузурланишга" чоғланган ёшлар, кўп ҳолларда, ёши қатта инсонларнинг танбеҳига учрайди. Шунда баъзи йигит-қизлар бундай даққилардан тўғри хулоса чиқариш ўрнига, танбеҳ эгаларига нисбатан "Шовқинга тоби йўлқ" ёки "Асаби чатоқ" деган хулоса ясашади. Ҳўш, аслида меъёрдан ортиқ баланд товуш, шовқин-суроннинг инсон саломатлигиға қандай салбий таъсири бор?

АСАБНИ ҚАНДАЙ АСРАШ МУМКИН?

ёҳуд шовқиннинг инсон саломатлигиға салбий таъсири хусусида

чи асосий омиллардан биридир. Тўғри, бугун техника тараққиёти даврида шовқин таъсирини қамайтириб берувчи турли кулоқчинлар ишлаб чиқилиб, улардан кенг фойдаланилмоқда. Мусиқа тинглаш, уяли алоқа воситасида мулоқот қилиш имконияти берувчи бундай мосламалар илҳам ва қулайлиги, ён-атрофдаги кишиларға ҳалақат бермаслиги боис, айниқса, ёшлар орасида кенг урфға айланди. Бирок уларнинг мунтазам қўллашнинг оқибатини, афсуски, саломатлигимизға беэиён, деб бўлмайди. Негаки, турли шовқинли куй-қўшиқларни кулоқчиннинг бор овозида эшитиш натижада юқорида таъкидлаб ўтганимиз — асаб тизими фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ турли хасталиқлар келиб чиқмоқда. Бу ҳолатни тиббиёт нуқтаи назаридан изоҳлайлик: табиатда, шу жумладан, инсон организмиди ҳам барча жараёнлар биологик ритмларга бўйсунди. Агар ташқи муҳит орқали ана шу мунтазимиликка мос бўлмаган ритм таъсир қилса, меъёрий ритмға асосланган фаолият бузилади. Жумладан, ёқимсиз мусиқа, баланд товуш, кучли шовқин инсон миёсининг зўриқишиға сабаб бўлади. Уялаб қўрайлик, шовқин-суронли кеча ҳамда базмларға иштиёқманд ёшлар ҳали тўлиқ уялмай туриб, турли хасталиқларға чалинса, ундан ҳалос бўлиш онос кечмайди. Айниқса, айтиш керакки, асаб тизими фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ турли хасталиқлар келиб чиқмоқда. Бу ҳолатни тиббиёт нуқтаи назаридан изоҳлайлик: табиатда, шу жумладан, инсон организмиди ҳам барча жараёнлар биологик ритмларга бўйсунди. Агар ташқи муҳит орқали ана шу мунтазимиликка мос бўлмаган ритм таъсир қилса, меъёрий ритмға асосланган фаолият бузилади. Жумладан, ёқимсиз мусиқа, баланд товуш, кучли шовқин инсон миёсининг зўриқишиға сабаб бўлади. Уялаб қўрайлик, шовқин-суронли кеча ҳамда базмларға иштиёқманд ёшлар ҳали тўлиқ уялмай туриб, турли хасталиқларға чалинса, ундан ҳалос бўлиш онос кечмайди. Айниқса, айтиш керакки, асаб тизими фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ турли хасталиқлар келиб чиқмоқда.

Муҳаммад АЗИМОВ, Республика Маънавият тарғибот марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари.

Бугун замонавий тиббиёт ютуқлари асосида инсон миёси биологикларини ёзиб олиб, компьютер орқали уни мусиқа товушиға айлантириш имконияти мавжуд. Бу жараёнда инсонларнинг турли вазиётадаги кайфияти мусиқа оҳангларига ас эътирилади. Ёни, хушқайфият ифодаси маълум бир мусиқада ёзиб олиб, таъсир қилиш имконияти мавжуд бўлиб, у «мия мусикаси» деб аталади. Мазкур муложага усули невроз, депрессия, уйқу бузилиши ҳолатлари қайд этилган беморларға қўлланилади. Бу жараёнда беморнинг кулоғиға яқши кайфият пайтида эъзилган «мия мусикаси» эъшиттирилади ва ижобий натижаға эришилади. Аён бўладики, ўз саломатлигимизни асраш — ўз қўлимизда. Зеро, ҳаётни қадрлаб яшаган инсон соғлом ва узоқ умр кечиради.

Муҳаммад АЗИМОВ, Республика Маънавият тарғибот марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари.

Республика кўп тармоқли Агроеаноат биржаси Самарқанд филиали ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 9 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қўйилган объектлар кўйилади:

- 1. Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган маъмулиятчи «Чекланган жамяят шаклидаги «Баҳмал» қўшма корхонасига тегишли, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими ҳовлисида сақланаётган «LEXUS ES 350» русумли автомашина. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси М 76-00, техник соз. Бошланғич баҳоси — 96 022 800 сўм.

- 2. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 12 мартдаги 10-0816/14435-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Р. Ҳамроев ширкат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган: а) илора биноси, 2007 йилда қурилган, майдони — 134,0 м², бошланғич баҳоси — 46 658 000 сўм; б) қуритиш цехи биноси, 2007 йилда қурилган, майдони — 778,96 м², бошланғич баҳоси — 175 852 000 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичида бир кун қолганда тўхтатылади. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳўжалиги рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Узсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзиллимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

ОБ-ҲАВО (8 август)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 36-40 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

PP «SHIRCHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ. Адрес: г. Чирчик, ул. Амра Темира, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-08, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99. www.pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчиқ палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терлид ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммад Бегмуратов томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Каримов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусаҳҳиҳ — Ш. Манрабаев. «Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15. Топширилди — 23.10. 1 2 4 5